

## ШАРТНОМА № 3/eq-36-2022

Ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон «Е-рагор» тизимидан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш бўйича

Тошкент ш.

12 айваро 2022 й.

Бўйоро вилояти Фон туман (шахар) ҳокимлиги, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи Бўйоро вилояти Фон туман (шахри) ҳокими М.М. Эсопов тимсолида, бир томондан, “UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ, кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади, Устав асосида ҳаракат қилувчи Бош директор Э.И. Гимранов тимсолида, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда «Тарафлар» деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарорига мувофиқ Ижрочи Буюртмачига **ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон «Е-рагор» ахборот тизимидан** (кейинги ўринда – Тизим) фойдаланишда абонентларга қуйидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

– ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шахар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг ходимларини Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат фойдаланувчиларининг Ягона идентификация тизимида ([id.egov.uz](http://id.egov.uz)) рўйхатдан ўтиш ва ишлашида консультация бериш;

– Тизимда ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шахар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг шахсий кабинетини яратиш, ўзгартириш ва ўчириш;

– Тизимда ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шахар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг масъул ходимига модератор ролини бириклириш;

– ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шахар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг бланкларини (кузатув хатлари, ҳоким қарори, ҳоким фармойиши, маҳаллий депутатлар кенгаши қарори) Тизимга киритиш, ўзгартириш ва ўчириш;

– ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шахар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг ходимларини Тизимда ишлаши бўйича методологик қўлланмалар билан таъминлаш, Тизимдаги техник ўзгартиришлар бўйича зарур ҳолларда янги қўлланмаларни яратиш, ўзгартириш ва ўчириш;

– ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шахар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг ходимларини Тизимда ишлаши бўйича консультация бериб бориши.

Буюртмачи эса Ижрочи томонидан бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш ва мазкур шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган абонентлик тўловини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигига (кейинги ўринда «Газначилик» деб юритилади) Буюртмачи томонидан рўйхатдан ўтказилиб, дастлабки тўлов - бўнак амалга оширилгандан сўнг 1 (бир) иш куни ичida ишларни бажаришни бошлайди.

### 2. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу Шартномада назарда тутилган ишлар якуни бўйича Ижрочи ҳар ойда Буюртмачига амалдаги қонунчиликда белгиланган шаклда ва тартибда ҳисоб-фактурасини тақдим этади.

2.2. Буюртмачи Ижрочи томонидан киритилган ҳисоб-фактурани 5 (беш) кун ичida кўриб чиқади ва имзолайди. Буюртмачида амалга оширилган ишларнинг сифатига эътиrozлари мавжуд бўлса, бу ҳақда Ижрочини ёзма равишда бартараф этилиши лозим бўлган камчиликларни кўрсатган ҳолда огохлантиради. Буюртмачи томонидан 5 (беш) кун ичida ҳисоб-фактура

асослантирилган ҳолда имзолаш рад этилмаса, Ижрочи ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади ва Буюртмачида амалга оширилган ишлар доирасида Ижрочига тўловни амалга ошириш мажбурияти пайдо бўлади.

2.3. Шартноманинг 2.2-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилишни рад этиш ҳолати юз берганда Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида бартараф этилиши зарур бўлган камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этиш муддатлари кўрсатилган далолатнома тузилади.

2.4. Ҳисоб-фактура Буюртмачи ва Ижрочи томонидан амалдаги қонунчилик талаблари асосида имзоланади.

### **3. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Шартномада назарда тутилган техник ишларни амалга оширилганлик учун абонентлик тўлови **2022 йил 1-чорак** учун жами ҚҚС сиз **9 000 000 (тўққиз миллион)** сўмни ташкил этади. Шартноманинг умумий микдори буйича хар ойлик тўлов ҚҚС сиз **2 100 000 (икки миллион юз минг)** сўмни ташкил қиласди.

3.2. Шартнома бўйича тўлов Буюртмачининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидаги ҳисоб рақами орқали пул ўтказиш йўли билан қуидаги тартибда амалга оширилади:

3.2.1. Буюртмачи дастлабки тўлов сифатида абонентлик тўловининг 30%ни, яъни ҚҚС сиз **2 700 000 (икки миллион етти юз минг)** сўмни шартнома Молия вазирлиги Фазначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичida Ижрочининг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиб беради.

3.2.2. Шартнома бўйича кейинги тўловлар ойма-ой Буюртмачи томонидан абонентлик тўловининг 70% микдорида Ижрочи томонидан ҳисоб-фактура тақдим этилган кундан бошлаб, 5 (беш) банк куни мобайнида Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади,

3.2.3. Шартномада назарда тутилган ишлар якунида Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома доирасида ҳисоб-китоблар солишигуви ни амалга оширишлари мумкин. Ҳисоб-китобларни солишириш далолатномаси Ижрочи томонидан Буюртмачи сўровига мувофиқ тақдим этилади.

3.3. Ижрочининг ҳисоб рақамига дастлабки тўлов келиб тушган сана хизматлар кўрсатишини бошлаш санаси ҳисобланади.

### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

#### **4.1. Буюртмачи ҳуқуқлари:**

4.1.1. Ижроидан мазкур Шартнома бўйича олинган мажбуриятларни шартнома шартларига ва шартномада белгиланган муддатларга амал қилишини талаб қилиш;

4.1.2. Ижрочи томонидан амалга оширилган ишлар сифати юзасидан ўз эътиrozларини билдириш ва камчиликларни бегараз бартараф этишини талаб қилиш;

4.1.3. Ижрочи мазкур Шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажармаган ҳолатларда, ишларни молиялаштиришни тўхтатиш;

4.1.4. Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

4.1.5. Тизимни такомиллаштириш ва янгилаш бўйича Ижрочига таклифлар киритиш.

#### **4.2. Ижрочи ҳуқуқлари:**

4.2.1. Буюртмачи томонидан ҳисоб-фактураси, камчиликларни бартараф этиш далолатномаси вақтида кўриб чиқилмаган ёки вақтида пул маблаглари ўрнатилган тартибда ўтказилмаган ҳолларда ишларни амалга оширишни тўхтатиб туриш, шартномани бекор қилишини талаб қилиш;

4.2.2. Мазкур Шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахсларни - субижрочиларни жалб қилиш;

4.2.3. Тизимнинг барқарор ишлашига тўскинлик қилиши мумкин бўлган фойдаланувчиларни Тизимдан ўчириш.

## **5. ТАРАФЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **5.1. Буюртмачи мажбуриятлари:**

5.1.1. Шартномада назарда тутилган ишлар юзасидан Ижрочи билан ўзаро муносабатларга киришувчи масъул шахс ажратиш;

5.1.2. Шартномада назарда тутилган ишларни амалга ошириш учун Ижрочига зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;

5.1.3. Шартномани амалга оширишда маълум бўлган тижорат сири, молиявий маълумотлар, Тизимнинг техник хусусиятлари ва бошқа маҳфий маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик;

5.1.4. Тизим ишлаши учун ўз ташкилоти доирасида шароит яратиш;

5.1.5. Ижрочи томнидан киритилган ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш;

5.1.6. Шартноманинг 3.1-бандида белгиланган пул маблағларини ўз вақтида тўлаш;

5.1.7. Ижрочи томонидан мазкур Шартнома имзоланиб, тақдим этилгандан кундан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида тегишли Газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказиш.

### **5.2. Ижрочи мажбуриятлари:**

5.2.1. Шартноманинг 1.1 бандида белгиланган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

5.2.2. Шартномани ижро этиш масалаларида Буюртмачи билан ўзаро муносабатларга киришувчи масъул шахс ажратиш;

5.2.3. Шартномани ижро этиш жараённида Буюртмачи сўровига биноан тизимни тақомиллаштириш бўйича таклифларни амалга ошириш ва ҳолати юзасидан маълумот бериш;

5.2.4. Шартномани бажаришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларига риоя қилиш

5.2.5. Шартномани амалга оширишда маълум бўлган тижорат сири, молиявий маълумотлар ва бошқа маҳфий маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик;

5.2.6. Кафолатланган техник хизмат кўрсатиш доирасида Тизимдан фойдаланишда аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш;

5.2.7. Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарни қоплаш.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Тарафлар мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки тўлиқ бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган даражада тенг жавобгар бўладилар.

6.2. Тарафларда мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ҳолатлари юзага келса, тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ҳал қилинади.

6.3. Мазкур Шартнома Буюртмачи ташаббусига кўра муддатидан аввал бекор қилинса, Ижрочига амалда бажарилган иш ҳажми учун пул маблағларини тўлаб беради.

6.4. Ижрочи мазкур Шартномада белгиланган мажбуриятларини тўлиқ бажармаган тақдирда Буюртмачига Шартнома доирасида ўтказиб берган барча пул маблағларни қайташишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шундай ҳолатда Ижрочи Буюртмачининг талаби келиб тушгандан 15 (үн беш) кун ичida мазкур пул маблағларини қайтариб беради.

6.5. Ижрочи ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тақдирда мажбуриятларни бажаришни кечиктирилган ҳар бир кун учун Буюртмачига кечиктириб бажарилган мажбуриятлар қийматининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктириб бажарилган мажбуриятлар умумий қийматининг 50% идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.6. Буюртмачи тўловларни кечиктирган тақдирда Ижрочига ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўловлар миқдорининг 50% идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## **7. ШАРТНОМАНИ ИЖРО ЭТИШ**

7.1. Мазкур Шартнома тарафлар томонидан мазкур Шартномада назарда тутилган шартлар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари доирасида бажарилиши шарт.

7.2. Мазкур Шартнома барча тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган ҳолатда ижро этилган ҳисобланади.

7.3. Мазкур Шартномани ижро этишдан бир тарафлама воз кечиш ёки мазкур Шартнома шартларига бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

7.4. Ижрочи томонидан мазкур Шартномада назарда тутилган ишларни амалга оширилганлик факти Ижрочи ва Буюртмачи томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб фактура билан тасдиқланади.

7.5. Мазкур Шартноманинг ижро этиш муддатлари тарафларнинг розилиги билан қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартирилиши мумин.

## **8. ФОРС-МАЖОР**

8.1. Тарафлар мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун агар ушбу вазият шартнома тузилган кейин юзага келган ва олдиндан кутилмаган фавқулодда вазиятлар, енгид бўлмас куч (форс-мажор) туфайли юзага келганини исботлаб берсалар жавобгарликка тортилмайдилар,

8.2. Форс-мажор ҳолатларига ҳарбий ҳаракатлар, табиий оғатлар (зилзила, сув тошқини ва бошқалар киради.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғрисида тарафлар бир-бирини ушбу вазият юзага келганлиги маълум бўлган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичida огоҳлантиришлари лозим.

8.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вазиятда, мажбуриятларни бажариш муддатлари ушбу вазиятлар ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунга қадар узайтирилади.

## **9. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

9.1. Мазкур Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, тегишли Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрига қадар амал қиласди.

9.2. Мазкур Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин:

9.2.1. Тарафларнинг ёзма келишуви асосида, қўшимча келишув тузган ҳолда;

9.2.2. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда.

## **10. ТЕХНИК ХИЗМАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

10.1. Мазкур Шартномага мувофиқ техник хизмат кўрсатишда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

“Масъул маъмур” – Ижрочининг Тизим билан ишловчи ва уни консультатив ва техник қўллаб-куватловчи ҳодимлари;

“қўшимча” – дастурий таъминотнинг ишга тувиширилгандан кейин қўшимча функционаллар қўшиш ёки мавжудлари имкониятини кенгайтиришга эҳтиёж сезиш;

“хатолик” – авария, носозлик ва муаммо юзага келганда фойдаланилувчи умумий атама;

“техник қўллаб-куватлаш” – фойдаланувчи томонидан Тизимнинг дастурий таъминотида юзага келган хатоликни жойига чиқсан ҳолда бартараф этиш;

“қўшимча хизматлар” – Ижрочи томонидан тақдим этилувчи техник қўллаб-куватлаш таркибига кирмайдиган хизматлар.

“қўллаб-куватлаш алоқа линияси” – Ижрочи томонидан Буюртмачига хатолик юз берганда

ва қўшим хизматларни тақдим этиш учун сўров юбориш учун ажратилган алоқа воситаси;

“техник қўллаб-куватлашга сўров юбориш” – Буюртмачи вакили томонидан Тизим илова дастурий таъминотида юзага келган хатоликни бартараф этиш сўровини юбориш;

10.2. Консультация ва техник қўллаб-куватлаш қуйидагича амалга оширилади:

10.2.1. Дастурий таъминотдаги хатоликни жойига чиқкан ҳолда бартараф этиш;

10.2.2. Буюртмачи вакилининг саволларига масъул маймур томонидан жавоб бериш.

10.3. Консультация Ижрочи томонидан ўзбек ва рус тилларида телефон ёки электрон почта манзили орқали, техник қўллаб-қувватлаш эса жойига чиқкан ҳолда амалга оширилади. Консультация ва техник қўллаб-қувватлаш алоқа линияси иш кунларида (амалдаги қонунчилик талаблари асосида) Тошкент вақти билан соат 9:00 - 18:00 давомида амалаг оширилади. Иш кунидан сўнг келиб тушган сўров кейинги иш кунида соат 9:00 келиб тушган ҳисобланади.

10.4. Сўровларни кўриб чиқиш муддатлари:

Хатолик тuri	Хатолик юзасидан ишлар бошлангани тўғрисида хабар бериш (иш соати ва иш куни)	Хатолик бартараф этилиши (иш куни ва соати)
авария	4 соат	1 иш куни
муаммо	1 иш куни	3 иш куни
носозлик	1 иш куни	иш тартибида

10.5. Хатоликни баратараф этиш Ижрочи Буюртмачини шу ҳақда ва амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида огоҳлантириши ва шу масалада барча амалий ёрдам кўрсатиши керак.

10.6. Мазкур Шартнома муддати якунлангач тарафлар алоҳида ёзма келишув асосида мазкур муносабатларни давом эттиришлари мумкин.

## 11. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ-ЧИҚИШ ТАРТИБИ

11.1. Мазкур Шартнома бўйича юзага келган низолар музокаралар орқали ҳал этилади, ўзаро келишувга келиш имкони бўлмаганида Тошкент туманлараро иқтисодий судида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

## 12. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

12.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

12.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

12.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қимматликлар олинишига йул қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилюна чоралар кўради.

12.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

12.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул қўйғанлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор қилишни талаб қилиши шарт.

### 13. ЯКУНЛОВЧИ ШАРТЛАР

12.1. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ҳар бир тараф учун алоҳида 3 (уч) нусхада тузилади.

12.2. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ўзаро розилиги асосида қўшимча ёзма келишув тузиш ва уни ваколатли вакиллар томонидан имзоланиши орқали киритилади.

### 14. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

«Ижрочи»:

”UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор“ МЧЖ  
Тошкент шаҳар, А.Навой кўчаси, 28-б уй,  
”Капитал банк“ АТБ Тошкент шаҳар филиали, x/r: 20208000904198204001  
МФО: 00445, СТИР: 204118319  
ОКЭД: 62090



«Буюртмачи»:

Хозон тумани ҳоқимининг  
Хозон шаҳар буқоро шаҳри  
кўнгаси 16-чи  
а/р 1000228600619701120401800  
я/р 00014 иши: 201172865  
Даромадига ш. М.б. ҲҚСЛ  
Хозон тумани бўйи ичада  
Газнагалик бўлинишаси

